

8 - сонли ШАРТНОМА

2022 йил 14 Январ

Термиз шаҳри

«SURXON-NUR-TJX» МЧЖ кейинги ўринларда «Меҳмонхона» деб аталувчи номидан Г.Х.Туробов Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи «АТ Саноат қурилиш банкининг Сурхондарё минтакавий филиали» бошқарувчиси З.Б.Шарипов Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1. «Буюртмачи» ўз вакиллари юборади, «Меҳмонхона» «Буюртмачи» вакилларига меҳмонхонада яшаш, овқатланиш ва бошқа қўшимча хизмат турларини кўрсатади.

2. Томонларнинг вазифалари:

2.1 Вакилларга хизматлар ушбу шартномага илова қилинган келишилган нархлар асосида амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг амал қилиш даврида нархлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиши муносабати билан индексация қилинмайди.

3. Ўзаро ҳисоб-китоблар

3.1. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб китоблар «Меҳмонхона» ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда ушбу шартномага мувофиқ олдиндан тўлов ҳисоби асосида амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» кўрсатилган хизматлар учун тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун «Меҳмонхона»га қаздорлик суммасининг 0,5 % миқдорида устама (пеня) тўлайди.

3.3. «Меҳмонхона» учун тўлов банк комиссияларисиз амалга оширилиши лозим. **Кредит карточкалар** асосида тўлов амалга оширилганди «Буюртмачи» комиссия суммаси миқдорини тўлаши шарт.

3.4. Шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандларига томонлар риюя қилмаган тақдирда «Меҳмонхона» «Буюртмачи»ни 5 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда қаздорлик тўлиқ қошлангунга қадар шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Хоналарни банд қилиш (Бронь) ва бекор қилиш

4.1. Хоналарни олдиндан банд (Бронь) қилиш «Буюртмачи» томонидан келиши кутилаётган туристлар қайси давлатдан эканлиги, банд қилинаётган хоналар сони ва тури, уларнинг келиш ва кетиш саналари кўрсатилган факс ёки электрон почта орқали берилган хатга асосан амалга оширилади. «Меҳмонхона»нинг шартномага мувофиқ кўрсатиладиган хизмат турлари, шарт ва нархлар тўғрисидаги сўрови «Буюртмачи» томонидан тасдиқлангандан сўнг хоналар банд қилинган ҳисобланади.

4.2. Олдиндан буюртма бериш туристлар келишидан камида 30 кун олдин амалга оширилади.

4.3. Якуний буюртма вакиллар келишидан 2 кун олдин (буюртма суммасининг 15 фоизини тўлаган ҳолда) тақдим этилади.

4.4. Якуний буюртмада вакилларнинг аниқ сони, келиш ва кетиш вақти, аниқ йўналиши овқатланиш ва қўшимча кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида маълумотлар бўлиши керак. «Меҳмонхона» келувчиларнинг аниқ рўйхатини олгач буюрилган хизмат турларини кўрсатишни кафолатлайди.

5. Низолар (Форс-мажор ҳолатлар) ни ҳал этиш тартиби

5.1. Томонлар шартнома имзолангандан сўнг содир бўлган, уларга боғлиқ бўлмаган (фавкулотда ҳолатлар) шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажармаган ҳолларда жавобгарликдан соқит бўладилар.

Томонларнинг истагидан ташқари ҳолларда содир бўлган ва улар таъсир қилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар (ер қимирлаши, ёнгин, сув тошқини, ҳарбий ҳаракатлар ва кўзғолонлар, шунингдек ҳукумат қарорлари ёки давлат органлари фармойиши) фавкулотда ҳолатларга киради.

6. Алоҳида шартлар

6.1. “Меҳмонхона” вакилларнинг сақловга топширилмаган ёки меҳмонхона коридорлари ва жамоат жойларида қолдирилган шахсий буюмлари (пул, багаж, қимматбаҳо буюмлар ва бошқалар) йўқолиши, зарарланиши учун жавоб бермайди.

6.2. Меҳмонларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш, корреспонденциялар ва ёзма равишда олиб борилиши шарт.

6.3. Ҳисоб-китоб қилиш вақти 12-00. Келиш вақти 02-00 ва ундан кейин.

6.4. Эрта ёки кеч келиш “Меҳмонхона”нинг бронь бўлими тасдиқлаган буюртмада кўрсатилиш лозим.

6.5. “Меҳмонхона” “Буюртмачи” буюртмасида келтирилмаган хизматлар кўрсатилганда қўшимча тўловларни бевосита мижознинг ўзидан ундиради. “Буюртмачи” ўзининг вакиллари томонидан “Меҳмонхона”га етказилган зарар учун жавобгардир. “Меҳмонхона” ходимлари томонидан “Буюртмачи” вакиллари соғлиғи ёки мулкига етказилган зарар учун амалдаги қонунлар талабига мувофиқ жавоб беради.

7. Томонларнинг жавобгарлиги.

7.1. Ушбу шартнома асосида ёки унга боғлиқ низолар томонлар ўртасида музокаралар орқали, муросага келинмаганда тақдирда эса амалдаги қонунлар талаблари асосида Иқтисодий Судлар орқали ҳал қилинади. Судларда низони кўриб чиқиш билан боғлиқ барча харажатлар, давлат божлари айбдор деб топилган томондан ундирилади.

7.2. Томонлар ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартишларни иккинчи томонни шартнома амал қилишдан 50 кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда киритиши мумкин.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома ва унинг иловалари имзоланган кундан 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2.1-илова ушбу шартноманинг ажралмас қисмидир.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада, давлат тилида тузилган ва ҳар бир нусхаси тенг кучга эга.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Хизмат кўрсатувчи»

«Буюртмачи»

«SURXON-NUR-TJX» МЧЖ
Термиз шаҳри И.Каримов номли к.115-уй
Микрокредитбанк Сурхондарё филиали
МФО 00326 СТИР 306465524
Х/р 20208000405086505001
ОКЭД:
Факс: (837622) 3 48 87.
Тел: (99891) 907 00 01.
E-mail: xolbi@inbox.ru

«АТ Саноат қурилиш банкининг
Сурхондарё минтақавий филиали»
Термиз шаҳар А. Навоий
кўчаси, 45 А-уй
МФО 01045 ОКНХ 96120
СТИР 206962384
Х/Р 16103000600009003101
Факс: 376 224 21 90
Тел: 99897 533 85 68

Директор



Г.Х. Туробов



Бошқарувчи

З.Б.Шарипов

1-ИЛОВА

1. Ўзбекистон Республикаси резидентлари-туристларнинг туриши учун нархлар.

| | |
|---------------------------------|--------|
| Лукус иккта хона | 400000 |
| Лукус бир хона | 300000 |
| Яримлюкс | 200000 |
| Икки кишилик такомиллашган хона | 150000 |
| Стандарт бир кишилик хона | 170000 |
| Конференц-зал ижараси | 0 |

Эслатма: Нонушта меҳмонада туриш нархига киради.

Корпоратив мижозларга бонуслар тақдим этилади.

Гуруҳлар 10 кишидан ортиқ ҳолларда 10 % ли чегирмаю

2 Овқатлантириш:

- Нонушта - 30 000 сўм
- Кофе-брейк - 40 000 – 70 000 сўм (менюга асосан)
- Тушлик - 100 000 - 150 000 сўм (менюга асосан)
- Кечки овқат - 100 000 - 150 000 сўм (менюга асосан)

* Спиртли ичимликларсиз.

Мижозларнинг овқатланиши учун ҳисоб-китоблар буюртмачи вакили билан келишган ҳолда «SURXON-NUR-TJX» МЧЖ менюси нархлари асосида амалга оширилиши мумкин.

3. Қўшимча хизматлар:

- Гид, массаж ва трансфер хизматлари-келишув бўйича
- Спорт зал - бепул
- Қўриқланадиган автотранспорт тураржойи-бепул.

«Хизмат кўрсатувчи»

«Буюртмачи»

«SURXON-NUR-TJX» МЧЖ
Термиз шаҳри И.Каримов номли к.115-уй
Микрокредитбанк Сурхондарё филиали
МФО 00326 СТИР 306465524
Х/р 20208000405086505001

ОКЭД:

Факс: (837622) 3 48 87.

Тел: (99891) 907 00 01.

E-mail: xolbi@inbox.ru

«АТ Саноат курилиш банкининг
Сурхондарё минтакавий филиали»
Термиз шаҳар А. Навоий
кўчаси, 45 А-уй
МФО 01045 ОКНХ 96120
СТИР 206962384

МФО 16103000600009003101

Факс: 376 224 21 90

Тел: 99897 533 85 68

Директор

Г. Х Туробов



Банк қўриғи:

З.Б.Шарипов